



Зуҳра НАСИРОВА,

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

ТДЎТАУ доценти И.Ёқубов тақризи асосида

XX АСР ЯПОН АДАБИЁТИДА “НЕОСЕНСУАЛИЗМ НАЗАРИЯСИ”

Аннотация

Ушбу мақолада XX аср япон адабиётидаги адабий жараёнлар ёритилган. Шу даврда пайдо бўлган турли оқимлар, уларнинг назарий қарашлари таҳлил этилган. Неосенсуализм назарияси асосчиси Ёкомицу Риити эстетик концепциясида гарб ёзувчилари Марсель Пруст, Джеймс Джойс, Франц Кафка бўлди. XX аср дунё контекстининг номоёндалари неосенсуалистлар ёзувчиларни асарлари "сезгилар" ва "туйгулар" билан йўргилган бўлиши керак деган шиор билан адабий янгиланиш яратишга эришадилар. Оқим вакиллари адабиётда ривожланган доктриник мъёрларини эгосентрик мазмуни билан енгиги ўтишни хоҳладилар ва воқеликнинг ўзгарувчанлигига жавоб сифатида турли хил ва ранг-бараган спектрларни кўрсатиш вазифасини кўйдилар. Неосенсуалистларнинг ёркин намоёндаси Ясунари Кавабата япон адабиётини дунё контекстига олиб чиқди.

Калил сўзлар: Неосенсуалист, оқим, фалсафа, психология, онг, жараён, таъсир, типология, антропоцентрик, фоя, мотив, деталь.

“ТЕОРИЯ НЕОСЕНСУАЛИЗМА” В ЯПОНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ XX ВЕКА

Аннотация

В статье рассматриваются литературные процессы в японской литературе XX века. Были проанализированы различные литературные течение появившиеся в этот период, теоретические взгляды ученых. Основоположниками теории неоцензуализма в эстетической концепции Йокомису Риити стали западные писатели Марсель Пруст, Джеймс Джойс, Франц Кафка. Неосенсуалисты добиваются создания литературного обновления под лозунгом о том, что произведения писателей должны быть пронизаны "сенсациями" и "чувствами". Представители течения хотели преодолеть выработанные в литературе доктринальные нормы с их эгоцентрическим содержанием и поставили задачу показать разные и разнородные спектры как ответ на изменчивость реальности. Яркое проявление неосенсуалистов Ясунари Кавабата вывел японскую литературу в мировой контекст.

Ключевые слова: Неосенсуализм, течение, философия, психология, сознание, процесс, влияние, типология, антропоцентризм, идея, мотив, деталь.

THE “THEORY OF NEOSENSUALISM” IN XX CENTURY JAPANESE LITERATURE

Abstract

The article discusses literary processes in the Japanese literature of the XX century. Various theoretical views of scientists that appeared during this period were analyzed. The founders of the theory of neocensualism in the aesthetic concept of Yokomisu Riiti were Western writers Marcel Proust, James Joyce, Frans Kafka. Neosensualists seek to create a literary renewal under the slogan that the works of writers should be permeated with "sensations" and "feelings". The representatives of the current wanted to overcome the dogmatic norms developed in the literature with their egocentric content and set the task to show different and heterogeneous spectra as a response to the variability of reality. A vivid manifestation of neosensualists, Yasunari Kawabata brought Japanese literature into the world context.

Key words: Neosensualism, current, philosophy, psychology, consciousness, process, influence, typology, anthropocentrism, idea, motive, detail.

Кириш. Япон адабиётшунос олимлари XX аср адабиётида ёзувчилар инсон қалбининг яширин ҳаётини, онгли ва онгсиз муаммоларни бош фоя сифатида қаралганини таҳлил киласидилар. Улар инсон рухиятининг турли вазиятдаги ҳатти-харакатлари инсон ички ҳаётida аксланишига эътибор қаратадилар. Жаҳон адабиёти танқидининг устивор йўналишларида психоаналитик назариялар, инсон рухияти, онгда кечувчи воқеалар бадий-эстетик ҳодисалар деб қаралди ва бир қанча адабий оқимлар вужудга келди. Ушбу даврда адабий мероснинг ривожланishi мураккаб ва ноаник жараёнда кечди. Ўзларини “антропоцентрик” оқим вакиллари деб атаган ёзувчилар бадий асар фақат инсонни ёритиши керак деб қарадилар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. 1924 йилда Ёкомицу Риити “Неосенсуализм назарияси” асарини ёзди. Бу йўналишда ўша даврда энг кўзга кўринган ёзувчилар

Ёкомицу Риити, Кавабата Ясунари, Катаока Тэппэй, Накагава Ёити, Дзюития Ёсабуро, Кисида

Кунио, Сасаки Мосакулар фаолият юритдилар. Уларнинг эстетик концепциясида гарб ёзувчилари Марсель Пруст, Джеймс Джойс, Франц Кафка бўлди. XX аср дунё контекстининг номоёндалари неосенсуалистлар ёзувчиларни асарлар "сезгилар" ва "туйгулар" билан йўргилган бўлиши керак деган шиор билан адабий янгиланиш яратишга эришадилар. Бу оқимдаги ёзувчилар Зигмунд Фрейд психологик таҳлили билан қизиқадилар. Бу асарда муаллиф адабиёт ҳар қандай босимлардан холи “тоза адабиёт” бўлиши шарт дейди. Адабиёт хис туйгуларга йўғилган, “калб кўриниши” ни берга оладиган “рухият манзараси” ни кўрсата билиш даражасидаги асаргина “тоза” асар хисобланнишини ёзди. “Тоза адабиёт” нинг тузилишида инсон онгиди “харакат киласидиган” “нарса” тасвирга тушиши керак деган фоя бош фоя хисобланади. Ёкомицу фикрича инсон ташки оламни

эмас,балки дунёни идрок килади, шунинг учун бадиий ижод объектив ҳақиқатни эмас, балки субъектив хис – туйгуларни ифодалаши керак. Ёзувчи ва рассомларнинг вазифаси инсон руҳиятида кечувчи воеа-ходисаларни аслича акс эттириш. Неосенсуализмнинг дастлабки тамойиллари гарб модернизмининг адабий назарияси билан боғлиқ бўлиб, улар обьект, вазият ёки вазиятдан келиб чиқсан субъектив тажрибанинг енг кичик ва кўзга кўринимас жихатларини (нюонслар)ини ифодалашни талаб килдилар. Неосенсуалистлар натуралистик адабиётда ривожланган бадиий нуткнинг дорматик мебъёрларини эгосентрик мазмуни билан енгиб ўтишини хоҳладилар ва воеликнинг ўзгарувчанлигига жавоб сифатида турли хил ва ранг-баранг спектрларни кўрсатиш вазифасини кўйдилар. Ёкомицу фикрига кўра, ёзувчининг вазифаси "хис-туйгулар" ни яратишдир, бунинг воситаси "сўз, ритм, шеър"дир. Неосенсуалистларнинг бошлиғи, ўз сўзлари билан, вактнинг янги кўринишини ифодалашга, номаълум услубни куриши учун "адабиётга кўзгалон" деб сълон килди. XX асрнинг 30-йилларига келиб неосенсуалистларга нисбатан танқид кучайди. Ёкомицу ва унинг сафдошларини назариядан йирок "амалий ёзувчи"лар деб атадилар. Уларнинг назарий гоялари илмий назариянинг ўйғунлигига ега емас, тушунчалар ноаник, ҳукмлар тушунарсизлиги билан ажralиб туради. Модернистлар санъат ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида турлича фикр юритганлар. Неосенсуалистлар адабиётни мавжуд тартиб доирасида эмас, балки "ҳаётни ўзгартирувчи" восита сифатида кўришни истадилар. Катаока Тэплзининг «Киори кишлогида тинч тутув ҳаёт» («Кёрисон кайкёроку», 1929) ва «Севги муаммолари» («Айдэ淨 но мондай», 1931) асарлари каттиқ танқидга учради. Неосенсуалистларнинг ёркин намоёндаси Ясунири Кавабата япон адабиётини дунё контекстига олиб чиқди.

Адабиётшунос танқидчи, таржимон олим Мешариков XX аср япон адабиётини таҳлил қиласкан, адабиётда тасвирилаш энг мураккаб бўлган инсон руҳиятини япон ёзувчилари маҳорат билан уddaлаганлар деб баҳолайди. XX аср япон адабиётida инсоннинг ички дунёси, руҳиятда кечадиган муаммолар актуал муаммо сифатида каралди. Ўкувчига одат бўлиб колган асар сюжетларида севги-муҳаббат, ота-оналик, соғлик, етимлик, инсонларнинг ўзаро бир- бирлари билан муносабатлари онг ва ўй- ҳаётдаги тасвиirlарда, қаҳрамоннинг ички нутқида, ёлғизлиқдаги ички кечинмалар тасвир марказида бўлди. В.А.Гришина, И.А.Боронина, В.С. Гревин, Е. Г. Яковлев каби олимлар япон адабиётини типологик жиҳатдан ўргандилар. Жаҳон миқёсида шов -шувга эга бўлган Ясунири Кавабата япон адабиётини дунё контекстига олиб чиқди деб баҳо бердилар. Токионинг Осака шаҳрида зиёли ва ўзига тўқ оиласда туғилган Ясунири Кавабата ота –онасидан икки ёшида айрилади. Шунинг учун бўлса керак ёзувчи асарларида ўлим, етимлик ва ёлғизлик яққол кўзга ташланиб туради. Кавабата ҳаёти ва ижодини ўрганиш жаҳон адабиётшунослари обьектида бўлди. Ноболеъ мукофотини олгандан сўнг унинг ҳаёти ва ижодига янада кизикиши ошган адабиётшунос Такаси Ока ёзувчи таъсиrlangан, илҳомланган асарларни ва омилларни қидиради, чунки унинг асарларида миллийлик ўта бўртиб турса ҳам гарбда япониядан кўра кизикиш кучлирок эди. Бир неча йиллар гарб комправистика адабиётининг ўрганиш обьектида бўлган Я. Кавабата ижоди таъсири ёки бирор гарб ёзувчилари асарларида типологик ҳодиса кузатилмаган. Жуда кичик ёшларида ёки рассомчиликка кизиқсан Я. Кавабата ўн икки ёшида ёзувчи бўлишга каттий қарор қиласди. Олим ва тадқиқотчилар шунинг учун унга "рассом ёзувчи" деб таъриф берганлар. Такаси

Ока унинг 1925 йил биринчи нашр қилинган автобиографик китоби "Ўн олти ёшлиниң кундалиги" асарида рассомлар Леонардо да Винчи, Микеланджело, Рембрандт, Поль Сезаннинг асарларидан таъсиrlangани ва уларни атрофлича ўргангани ҳақида маълумотларни топади. Токио мактабида ўқиб юрган кезларида ёки европа маданияти, скандинавия адабиётни билан кизиқсанлиги ва уларни атрофлича ўрганганини ёзувчининг гарб адабиётни ва маданиятини чукур билганинига далолат деб қарайди. 1920 йилда Кавабата Токио университетининг инглиз адабиётни факультетига ўқишига киради, лекин ўқишининг иккинчи йилида япон адабиётига кўчириб ўтади. "Синейте" яъни "Янги йўналиш" журналида чоп этилган маколаси учун "Бунгэй сюндю" ("Давр адабиёт") журнали асосчиси, Кан Кикутинин назарига тушади. 1923 йилда ёш, иқтидорли ёзувчилар билан "Бунгэй дзидаи" ("Замонавий адабиёт") номи билан машҳур журналга асос солади. "Синканкауҳа" ("неосенсуалистлар") номи билан машҳур бўлган журнал гарб ёзувчилари Джеймс Жойс, Пруста, Гертруда Стайнларнинг ижоди таъсири остида фаолият юритган. Ёзувчи ўз ижодини неосенсуализмчилар намоёндаси сифатида бошлиайди. "Қафтдек кичик хикоялар" тўплами ижодини бошдан охиригача ёритувчи япон анъаналарига хос қисқаликда ёритилган насрар ясарлар намунасиdir. Бу асарлар «онг оқими» методи неосенсуализмнинг майда деталларигача намоён бўлади. Ёдзё концепцияси бу - "айтилмаган туйғу". Бу кичик хикояларда ҳар бир предметнинг қалби бордек нарсанинг моҳиятини англашга ҳаракат қиласди. Дзен концепциясига кўра ҳақиқат -моҳият тушуниб етилгандағина очилиши бош фоя. "Бўшлиқ" ва "мавжуд бўлмаган" концепция гарбликларнинг декаденс ва нигилизм тушунчалари бир-бiri билан боғланганини хали ҳануз адабий танқидчиларни Я. Кавабата шундан таъсиrlangанми ёки йўқми деган муаммони очиқ қолдириб келмоқда. Зигмунд Фрейд асарлари билан яхши таниш бўлган. Такаси Ока ўзининг илмий хуласаларида ёзувчи асарларида гарб таъсири соғ япон кўринишида жаҳон адабиётни контекстидан ўрин олган. Бирор таъсири ёки типологик ўҳшашликлар контекстида ўрганилмаган ёзувчи 1959 йилда Гёте номли Франкфурт медали билан тақдирланган (1937). Россия Санъат академиясининг адабий мукофоти билан (1952). 1961 йилда Франциянинг "Энг яхши чет эл адабиёт" учун "Санъат ва адабиёт" ордени билан мукофотланганлиги жаҳон адабиётida унинг адабий ўрни бекиёс экани тасдиqlangan.

А. Мешеряков "Кавабата японияда яшаган, япония Кавабатада яшаган", -деб изоҳ беради. Ёзувчи ўзининг асарларида инсон "қалб суръатини" айнан чизган. "Менинг асарларимни ўқ илдизини ёлғизлик мотиви ташкил этади. Ва бу ёлғизлиқдан олиб чиқадиган ягона асосий восита бор. Бу-гўзалик", -дейди ва гўзаликни айнан табиат воситалари, рамзлар билан боғлайди. Кавабата санъатшунос Ясиро Юкионинг "Қачонки қорни, ойни, гулни яна шунга ўхшаш гўзал нарсаларни кўрганинда дўстинг ҳақида ўйлайсан." иборасини жуда яхши қўради ва "қалбим мотиви" деб атайди. Ёзувчининг асарларида "гўзалик" сўзи жуда кўп ишлатилади. Қалб гўзалигиги билан табиат гўзалигиги чамбарчас боғлик деб билади. "Япон адабиётининг гўзалиги", "Япон гўзалигининг очилиши", "Гўзаликнинг пайдо бўлиши", "Абадиий гўзалик" деб номланган асарлари айнан гўзаликка багишиланади. Кавабата параллелизм ва ўҳшатишлар орқали айнан табиат билан қалб ўйғунлигини тасвиirlайди. Адабиётшунос Ито Сэй XX аср япон адабиётни структурасини "тўғри чизиқли" сюжет, ҳамда "оркесторли" сюжетларга ажратади. Я.Кавабата асарлари сюжети тузилиши бир маромда кетмайди. "Олов ичидаги

аёл” асарида ёнаётган ўрмон билан аёл қалби оташини кўрсатади. Ёки “Станциядаги ёмғир” асарида аввалига станция ва ёмғир хақида хеч нима айтилмайди. Асарни ўқиб бориш жараёнида станция оиласа, ёмғир эса оиласидаги икир-чикирларга ўхшатилди. Ва асар охири “Эркаклар! Тунда ёмғир ёғаётган пайтда, айниқса у майдалаб ёғаётган пайтда станцияда кутиб турган аёлингиз ёнига шошилишингиз керак. Акс ҳолда уларнинг зонгта йўғрилган юраклари бошқаларга тақдим этилмаслигига кафолат беролмайман” деб якунланади. Бу асарлар сюжети “оркестор”ли бўлиб воқеалар ривожи бир маромда кетмайди. Ёзувчи асарларининг кульминацияси бошида келиб, тугун билан тугаши мумкин. Ясунари Кавабата ижодини ҳар томонлама ўрганиши XX аср япон адабиётини ўрганиш марказида бўлди. Ёзувчи ижодини ўз она ватанидан кўра жаҳон микёсида ўрганилиши диққатга сазовордир. Чунки ёзувчи асарлари жуда кўп гарб тилларига таржима килинди. К. Ясунарининг ижодини ўрганувчи олимлар диққатини ёзувчи асарлари сюжетидаги шаклсизлик, рухият тасвирининг берилишидаги ўзгача услуб, қаҳрамонларнинг қиёфасизланиши торгади. Адабиётшунослар жаҳарёни ўрганар эканлар япон XX аср насрини услубан ва мазмунан янгиланди деб қарайдилар. Унда тадқиқотчилар гарб адабиётининг таъсири деб баҳо бердилар. Асар компонентларининг ўзгача тарзда намоён бўлишини К. Рёҳо ўз изланишларида таҳлил қилди. Олим Саэки Сёити илмий хулосаларига юзланар экан, япон ёзувчилари тасаввурда гўзал асар дейилгандан структура назарда тутилмаган. Уларда жамиятдаги инсонлар муаммоси янги адабий ҳодиса ва жаҳарёнларни тушуниш, қабул қила оладиган китобхонлар доираси кенгая бошлади. Гарб адабиётшунослари ва олимларини япон ёзувчиси асарларининг қисқалиги, фикрнинг тугалланмаганлиги, анъянавий сюжет чизикларининг йўклиги қизиктира бошлади. Адабиётшуносларнинг диққатини торгтан ёзувчининг асарлари ҳар томонлама таҳлил қилинар экан ёзувчи ижодида З. Фрейд, Уилсс, Нитше асарларининг таъсири бор деб қарайдилар. Америкалик ёзувчи ва эссеист Эдмунд Уайт ёзувчи асарлари накадар табиий ва пухта ўйланган, ҳар қандай уйдирма тўқималардан холис хикоя деб баҳо беради. 1961 йилда адабиётшунос танқидчи Г. Артур Кимбала томонидан ижодкор ҳаёти ва ижоди атрофлича ўрганилади. Ясунари Кавабатанинг кичик ҳикоялари ғоясидаги бош муаммолар- инсон ҳаёти ва ўлими, инсон ва табиат ўртасидаги ички, кўринмас гўзалликни очиб беради. Шарқ адабиётшунос олимларини эса, Ясунари Кавабата ижодининг хилма- хиллиги, тагмањо, услуб ва ўзига хослиги инсон рухияти, онги тасвирининг берилиши қизиктириди. Бош қаҳрамон- Инсон табиатнинг ажралмас бир қисми экани, ҳис-туйғулар ва қайғуриш нафақат инсонга хос, балки табиатдаги ҳар бир воқеа- ҳодисаларнинг инсон кўнглига боғлиқ эканини, улар ўртасида яширин, кўзга кўринмас гўзалликни ўзининг кичик ҳикоялари билан исботлайди,-деб баҳо беришади. Кейинчалик Кавабатанинг “Кўл” ҳикояси катта шов-шувларга сабаб бўлди. Адабиётга ёзувчи асарларидаги бош ғоя- инсон, унинг кечинмалари, табиат ва инсон кўнгли, рухияти ўртасидаги узвий, кўринмас иплар экани янгилик сифатида кириб келди. Ёзувчи асарларининг бош қаҳрамонлари рамзий образлар: дараҳт, гул, тош, кор, ой. Я. Кавабата инсон рухиятини, унинг ички оламини дараҳтлар, гуллар, тошлар, кор ва ойга моҳирлик билан кўчирган рассом ёзувчидир. Ёзувчи “кафтдек кичик ҳикоялар” ида инсонга қайгули нарсалардан завқ олишнига унрайди. Ҳикояларда хеч қандай ортиқча деталь, ортиқча тасвир йўқ бўлиши билан бирга инсонни фикрлашга, мулоҳаза килишга йўналтиради. Ёзувчи “Кафтдек кичик ҳикоялар”ида

номаълум нарсалардан маълум нарсаларни, кутилмаган нарсалардан айнан ўхшашликларни ёритиб беради. “Упа ва бензин”, “Туғуруқ ва арра” ҳикояларининг номланишидаги асли бир-бирига ўхшамаган нарсалар ўртасида қанчалик яқинлик борлигини тасаввур этиш кийин. Ҳикояларда инсон орқали табиатни, табиат орқали инсонни очиб беради. “Табиат билан инсон жуда кўринмас, ингичка иплар билан боғлиқ бўлади”. Ёзувчи ана ўша иплар устида бош қотиради ва унинг сир асрори нимада эканини тагига ета олмайди. Я. Кавабата “Упа ва бензин” ҳикоясида табиий нарсалар сунъий нарсалардан накадар гўзаллиги, такрорланмаслигини исботлайди. Инсон қанчалик ана шу сир асрорлардан воказиф бўлиб бораверса, шунчалик табиийликка эришишини таъкидлайди, инсонни мукаммалаштиради ва ўз асарларида буни чизиб беради. Ёзувчи томонидан яратилган барча асарлар яширин тагмањонга эга. Ёзувчи ижодини ҳар томонлама ўрганган таржимон адабиётшунос А. Мешариков Кавабата асарларини ёзувчининг шахсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ дейди. Шунинг учун унинг кичик ҳикояларидаги бош ғоя- ўлим, стимлик, ёлғизлик ва йуқотишларга йўғрилган. Ҳикояларнинг энг оғрикли нуктаси инсон қалбидаги совуклик, зерикиш, севган инсонига айтотмаган қалб хиссиятлари. Ёкомицу Рийити адаб ижодини ўрганар экан Ясунари Кавабатани гарбда ҳам, шарқда ҳам бир хил машҳурликка олиб келган ютуғи унинг миллий анъаналарга ҳурмати, миллат рухиятини яхши тушунгани ва билганида деб таҳлил қилади. Ёзувчи асарларида интрига, интерпретация, конфликт инсон рухияти билан кўзга илғаб бўлмас табиат сирлари гўзаллиги ўртасида содир бўлади. XX аср япон насрининг жаҳон миқёсида кенг тарқалишида Ясунари Кавабатанинг ўрни бекиёс. Ясунари Кавабата япон адилларидан биринчи бўлиб «Японлар онги моҳиятини акс эттирган ёзувчилик маҳорати учун» Нобел мукофотига савозор бўлган. Бугун япон адабиёти насрда ҳам, назмда ҳам янги чўққиларга эришиб, янги тусга эга бўлиб бораётган бўлсада, Кавабата ижодига қизиқиш сўнмайтгани, йилдан-йилга ёзувчи ижодига нисбатан нашрлар ва бошқа тилларга таржима килиш талаби ортиб бормоқда. Бадий асарнинг таъсиричан ва пухталиги унинг маҳорат ва талант билан яратилишидадир. Ҳаётини воқелик ва ҳодисаларнинг инсон ички оламида аксланиши, асарнинг ғоявий эстетик йўналишининг ўзига хос тарзда ифодаланиши, асар қаҳрамонлари ўртасида содир бўладиган рухий коллизия япон адабиёти қиёфасини белгилаб беради. Япон адабиётидаги ўз миллати, ўз тилининг чукур билиш, унда ноёб асарлар яратиш билан бирга бошқа тил ва миллат маданиятига ҳам чукур эҳтиром билан қаралган ва ҳар бир миллат учун ўз она тилиси нақадар азиз эканини Я. Кавабатанинг “Она тилида ибодат” ҳикоясида ҳам кўришимиз мумкин. Ясунари Кавабата ижодий мероси унинг фалсафий қарашларининг асоси бўлган гўзаллик- рухий озодликдадир дейди. Ёзувчи қаҳрамонлари учун рамзий маъно орқали инсонлар ўзлигини англаб этиши ижодий ўзига хосликларга асосланган ҳодиса хисобланади. Артур Кимбала ёзувчи ҳикояларида “ўлимга бўлган фикрлари парчаларидан ҳаёт ясалади” деб баҳо беради. Бу жуда фалсафий фикр бўлиб ўкувчини яна бир бор “Арра ва туғуруқ”, “Упа ва бензин”, “Кечки шаҳарнинг кулгуси”, “Она кўзлари”, “Олов ичидаги аёл” каби асарларининг ўқ илдизини инсоннинг қалбан ёлғизлиги, ёлғизликдаги ўз- ўзи билан содир бўладиган интригаларга ечим сифатида қаралади. Уларнинг сюжети ва ғояларида қаҳрамонлар муносабатидаги келишмовчиликлар эмас, балки рух билан тана, жонли нарсалар билан жонсиз нарсалар, табиат билан инсонлар,

жониворлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар чизиб берилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гринин В.С. Актуальные проблемы современности в произведениях японских писателей.-Москва- : Наука, 2000 г.
2. Эдмунд Уайт.Развитии национальной литературы. Япония сегодня. Москва, 2002 г.
3. Кавабата Ясунари, Гиперион. "Санкт-Петербург" 2002 г.
4. Япония. Идеология, культура, литература. – Москва, «Наука», 2002 г.
5. Насирова З.Х. Художественная импровизация и интерпретация в романе Ю. Мисими “Исповедь маски” Международная научно практическая конференция «Актуальные проблемы науки 20 века» сборник статьи г. Москва 2016 г.
6. Nasirova Z.H. A study of twentieth-century Japanese literary processes. International journal of advanced research 2021.
7. Nasirova Z.H Descriptive skills of Japanese writers. Asian Journal of Multi dimensional research 2021.
8. Синканкакурон Ёкомицу Риити
9. Такаси Ока"Нью-Йорк тайме",
10. Кавабата Ясунари "Избранные произведения" Гиперион-Петербург 2002 4-бет
11. Ўша асар 9-бет.